



Касаба уюшмалари умумий конфедерациясининг онлайн мажлиси бўлиб ўтди. Конфедерация раҳбарияти ва аъзо давлатларнинг касаба уюшма раислари, мутахассислари иштирок этган йиғилишда ўн тўртта масала кўриб чиқилди. Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ҳам сўзга чиқиб, жорий йилнинг 6-10 ноябрь кунлари мамлакатимизда бўлиб ўтилиши кутилаётган евросиё халқларининг «Тинчлик ва дўстлик учун» халқаро бадий ижод фестивалига алоҳида тўхталиб ўтди.



Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ташкилий масала кўрилди. Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига Акмалжон Маҳмудалиев номзодини тавсия этди. Ташкилий масала овозга қўйилди. Унинг натижаларига кўра, Акмалжон Маҳмудалиев Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.



2023-yil
8-aprel
shanba
№ 43 (4795)

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991-йил 21-martdan chiqq boshlagan

Сирдарё вилояти аҳолиси фаровонлигини янада оширишга қаратилган 5 та янги ташаббус

1 **БИРИНЧИ ТАШАББУС** – илғор инновациялар ҳудудда биофармацевтика, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, электротехника, тиббиёт, таълим соҳаларининг 20 та йўналишидаги лойиҳаларига алоҳида имтиёзлар режими жорий қилинади: – ер, мол-мулк, фойда ва айланма учун солиқлар ҳамда божхона божларидан 3 йилгача озод қилинади; – ер участкалари соддалашган тартибда ажратилади, ер ва биноларни сотиб олишда 5 йилгача бўлиб тўлашга рухсат берилади; – фойз тўловларини қоплаб бериш ставкаси 2 баравар оширилади.

2 **ИККИНЧИ ТАШАББУС** – вилоятнинг 11 та туман ва шаҳри Хитой модели асосида санатта ихтисослашди, ҳар бирида инновацион технопарклар ташкил қилинади. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун Сирдарёда Ўзбекистон-Хитой инвестиция жамғармаси ташкил этилади. Бу жамғарма Хитойнинг нуфузли Ипак йўли фонди ва бошқа молиявий ташкилотлари билан бирга ташкил қилинади. Жамғармага 1 миллиард доллар сармоя олиб келинади.

3 **УЧИНЧИ ТАШАББУС** доирасида Сирдарёда энг илғор агротехнологиялар жорий қилинади. Хусусан, вилоят ҳокимига қишлоқ хўжалигида илм ва инновация жорий қилиш бўйича Хитойдан 2 нафар маслаҳатчи олиб келинади. Сирдарёда ирригация ва мелiorация тизимларини модернизация қилишга хитойлик инвесторлар жалб қилинади.

4 **ТЎРТИНЧИ ТАШАББУС** – Сирдарё мамлакатимизни Қозоғистон, Тожикистон, Хитой ва Афғонистон билан боғлайдиган йирик логистика хабиға айлантирилади. Бунинг учун хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда республиканинг шарқий ва марказий қисмларини ҳамда чет эл йўналишларига боғлайдиган янги транспорт маршрутлари ва мультимодал логистика маркази қурилади.

5 **БЕШИНЧИ ТАШАББУС** – Гулистон шаҳри мамлакатимизнинг «Инновацион медицина хабиға» айлантирилади. Маълумки, давлат тиббий сугуртаси, тиббиётни рақамлаштириш каби илоҳотлар Сирдарё вилоятдан бошланган эди. Ўртинмиздаги илк тиббиёт кластери ҳам шу ерда барпо этиляпти. Қўшни Қозоғистон ва Тожикистондан ҳар ойда 1,5 минг бемор даволаниш учун Гулистон шаҳрига келмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 7 АПРЕЛЬ КУНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ БУЮРДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА ИШТИРОК ЭТДИ. АНЖУМАН ДАВОМИДА СИРДАРЁ АҲОЛИСИ ФАРОВОНЛИгини янада оширишга қаратилган 5 та янги ташаббусни илгари сурди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро меҳнат стандартлари ва меҳнат қонунчилиги бўйича мутахассиси Миранда Фейерман билан учрашув бўлиб ўтди.



Учрашув

ХМТ вакили билан мулоқот

Йиғилишда ХМТ конвенциялари ва тавсияларини қўллаш бўйича экспертлар кўмитасининг мулоҳазалари муҳокама қилинди. Меҳмонларга Ўзбекистонда касаба уюшмалари ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, давлат, касаба уюшмалари ва иш бевувилар ўртасидаги уч томонлама ижтимоий шериклик самаралари ҳақида батафсил маълумот берилди. Томонлар келгусида яқин ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини ҳамда бу ҳамкорлик ўзаро манфаатга асосланганини билдирдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси матбуот хизмати

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI 2023

Тошкент шаҳри

Айни пайтда мамлакатимизда юз бераётган муҳим илоҳотлардан бири, бу – янги таҳрирдаги Бош қомусининг қабул қилиниши десам, асло муболаға бўлмас керак...

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИМИЗ КАФОЛАТИ

Муносабат

Қонун лойиҳасига киритилган янги нормалар бarchа соҳаларни тараққий эттиришга, шу жумладан, давлат ҳокимиятининг янада самарали ташкил қилинишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Албатта, юқоридаги мақсадларга шунчаки баландпарвоз гаплар билан эришилмайди. Бунинг учун мустақкам ва амалиётда ўз ифодасини топадиган қонунчилик бўлиши шарт. Фикрларимни қуйидаги моддалар мисолида шарҳласам:

Янгиланаётган Конституция лойиҳасининг 50-моддасида ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгалиги, давлат узлуқсиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаш кафолатламоқда. Шунингдек, мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишни, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълимни ўз назоратида қолдириш. 44-моддада эса мажбурий меҳнат (суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари) тақиқланмоқда.

Хусусан, болалар соғлиги, хавфсизлиги, ахлоқи, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, таълим олишига тўқилувчи қилувчи ҳар қандай мажбурий меҳнат шакли тақиқланиши қонун билан кафолатлаб қўйилмоқда.

52-моддада педагогларнинг мақоми янада мустақкамланиб, уларнинг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол, авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, давлатнинг маънавий ва маданий салохиятини сақлаш ҳамда бойлигининг асоси сифатида эътироф этилмоқда. Ўқитувчининг шаъни ва қадр-қўрметини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида рағбатли қатъий позиция сифатида белгиланаётди.

Моҳиятан ушбу моддалар бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда Учинчи Ренессанснинг бунёд этишни кўзлаяпти – бунга эса, фақат оқсак ва сифатли таълим билангина эришимиз мумкин.

Ҳеч кимга сир эмас, авваллари «Мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди», «18 ёшга тўлмаган болалар меҳнатидан фойдаланиш қатъиян тақиқланади», деган баландпарвоз шорлар қоғозларни беабаф турган, холос. Энг ачинарлиси, ўқитувчи ва ўқувчилар



Сайфулла АҚМЕДОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси – Федерация раисининг ўринбосари

даладан бери келишмаган. Айнан шулар мажбурий меҳнатдан қаттиқ азият чекишган. Ҳали-ҳамон кўз ўнгимизда: куз фасли келди дегунча қишлоқлардаги мактаблар ёпиларди. Ўқитувчи-ю ўқувчилар турнақатор автобусларда бошқа худудларга олиб кетиларди. Қимирлаган жон борки далага – йиғим-теримга йўл оларди.

Тўғри, охириги йилларда мажбурий меҳнат, айниқса, болалар меҳнати борасида қатор арзирли ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, ўқитувчи ва ўқувчилар азоб-уқубатли юмушлардан қутулди.

Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар туфайли эндиликда мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай турига мутлақо йўл қўйилмаслиги қонун билан кафолатланмоқда. Энди ўқитувчи ўз вазифасидан ташқари ишларга жалб этилмайди. Унда ўз устидан ишлашга, изланишга имконият ва вақт етарли бўлади. Бу эса, биринчи навбатда, таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Мухтасар айтганда, янгиланаётган Конституцияда ўқитувчининг мақоми охириги, ҳақ-ҳуқуқларини мустақкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, мажбурий меҳнатнинг қонун даражасида тақиқланиши иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа ривожланишига, одамларнинг ҳаётдан, бугундан рози бўлиб яшашига хизмат қилади. Шак-шубҳа йўқки, бу ишлар яқин келажакда, албатта, ўз мевасини беражак.

Тошкент вилояти

Ҳамкорлик

Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси Сўғд вилояти кенгаши делегацияси Тошкент вилоятига ташриф буюрди.

Ташриф доирасида меҳмонлар Бек-обод шаҳрида жойлашган «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятида ишчи-ҳодимларга яратилган шарт-шароитлар ҳамда иш жараёнлари билан таништирилди.

Металлургия маданият саройида тажриба алмашиш бўйича касаба уюшмалари фаоллари билан учрашув ўтказилди.

Тадбирда тармоқ касаба уюшмалари фаолияти ҳақида вакилларнинг чиқишлари ҳамда савол-жавоблар ташкил этилди. Шундан сўнг ХМТ (ACRTRAV) сектор раҳбари С.Гловацкас модераторлигида «Норасмий иқтисодиётни расмийлаштириш ва Марказий Осиё касаба уюшмаларининг умумий вазифаси – меҳнат муҳожириларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш – ХМТ халқаро меҳнат стандартларининг роли» мавзусидаги семинар уюштирилди.

Меҳмонлар ташриф сўнггида «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятининг Музейи билан яқиндан танишдилар.

Шоира ОХУНЖОНОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раисининг ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчиси

САМАРАЛИ ТАШРИФ

Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси Сўғд вилояти кенгаши делегацияси Тошкент вилоятига ташриф буюрди.

Ташриф доирасида меҳмонлар Бек-обод шаҳрида жойлашган «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятида ишчи-ҳодимларга яратилган шарт-шароитлар ҳамда иш жараёнлари билан таништирилди.

Металлургия маданият саройида тажриба алмашиш бўйича касаба уюшмалари фаоллари билан учрашув ўтказилди.

Тадбирда тармоқ касаба уюшмалари фаолияти ҳақида вакилларнинг чиқишлари ҳамда савол-жавоблар ташкил этилди. Шундан сўнг ХМТ (ACRTRAV) сектор раҳбари С.Гловацкас модераторлигида «Норасмий иқтисодиётни расмийлаштириш ва Марказий Осиё касаба уюшмаларининг умумий вазифаси – меҳнат муҳожириларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш – ХМТ халқаро меҳнат стандартларининг роли» мавзусидаги семинар уюштирилди.

Меҳмонлар ташриф сўнггида «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятининг Музейи билан яқиндан танишдилар.

Шоира ОХУНЖОНОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раисининг ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчиси



«КОНСТИТУЦИЯ МЕНИКИ, СЕНИКИ,

«Хуқуқларингизни тушундингизми?»

Таҳлил

ЯНГИЛАНАЁТ-
ГАН КОНСТИ-
ТУЦИЯМИЗГА
КИРИТИЛА-
ЁТГАН «МИ-
РАНДА ҚОИ-
ДАСИ» ВА «ХА-
БЕАС КОРПУС»
ИНСТИТУТ-
ЛАРИ ФУҚАРО-
ЛАРНИНГ ҲАҚ-
ХУҚУҚЛАРИ ҲИ-
МОЯСИ ЯНАДА
МУСТАҲКАМ-
ЛАНИШИГА
ХИЗМАТ ҚИ-
ЛАДИ.

«Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Айтганларингизнинг барчаси сизга қарши судда ишлатилиши мумкин ва ишлатилади. Сиз адвокат билан маслаҳатлашиш ҳуқуқига эгасиз. Адвокатингиз сўроқ пайтида иштирок этиши мумкин. Агар адвокат хизматларини тўлашга қодир бўлмасангиз, у сизга давлат томонидан тақдим этилади. Сиз қўнғироқ қилиш ҳуқуқига эгасиз. Ҳуқуқларингизни тушундингизми?»

Бу машҳур ибора бир неча марта жиноий жавобгарликка тортилган Эрнест Артуро Миранда исми АҚШ фуқароси номи билан боғлиқ. Маълумотларга кўра, 1966 йили бир неча жиноятни содир этганликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган Мирандага сўроқ қилинишдан олдин унинг гумондор сифатидаги ҳуқуқлари ўқиб эшиттирилмаган. Миранда ўз ҳуқуқларини билмаган ҳолда айбига иқрорлик кўрсатмаларини берган. Кейинчалик суд ҳукми Миранда ўз ҳуқуқларидан хабардор қилинмагани сабабли АҚШ Олий суди томонидан бекор қилинган. Шундан буён «Миранда қоидаси» дастлаб сўроқ қилиш олдида еки ушлаб туриш вақтида гумон қилинувчи ва айбланувчига ўз ҳуқуқлари тушунтирилишини кафолатлади...

Ривожланган давлатларнинг Конституция ва қонунларида акс этган «Миранда қоидаси» ва «Хабеас корпус» институтлари Ўзбекистон Конституциясига киритилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари тўла ҳимоя остида экани, ҳеч ким унга дахл қилишга ҳақли эмаслигини кафолатлайди. Конституцияга киритилаётган ўзгаришларга кўра, эндиликда шахсни ушлаш пайтида унинг барча ҳуқуқлари ва ушланиши сабаби аниқ тушунтириб берилиши шарт. Яъни ушланган шахс сукут сақлаш, сўроқ жараёнида адвокати иштирокини талаб қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эгалиги шахсга илк сониялардаёқ содда тилда айтиб ўтилади. Бу фуқарони давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ўзбошимчилигидан ҳимоялайди, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширади. Ўз ҳуқуқини билган инсонларга қарши терговда зўравонлик ёки қонунга хилоф ишлар қилиш эҳтимоли камайд.

Инсоният қайси замон, қайси даврда бўлмасин, ҳамisha ўз мустақиллиги ва эркинлиги учун курашиб келган. Ана шундай курашлар самараси ўлароқ, дунёда демократиянинг энг муҳим

негизи – инсон ҳуқуқи ва эркинлигини олий қадрият сифатида эътироф этадиган, унинг ҳимоясини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тарихий ҳужжатлар қабул қилинган. Конституциямизга киритилаётган янги нормалар ҳам тарихий аҳамиятга эгалиги билан муҳимдир.

ҳибсга олиниши ҳолатларини бартафоз этишга хизмат қилади. Бунинг натижасида тергов давомида инсоннинг озодлигини чеклаш билан боғлиқ хатоларга йўл қўйилмайди. Шахс озодлиги эса муқаддас тушунчалардан бири саналади. Мазкур ўзгаришлар инсонларнинг мана шу энг муҳим ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўз ҳуқуқларини яхши билган одамлар тергов жараёнида ноҳақликларга қарши тура олади, ҳаққини талаб қилади, адолат учун курашади. Эндиликда ҳақ-ҳуқуқларини билмайдиган шахслар ҳам ҳимоя остида бўлади. Конституцияга киритилаётган «Миранда қоидаси» инсон қадрини тергов жараёнида ҳам таъминлашга ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, «Миранда қоидаси» ва «Хабеас корпус» институтлари мамлакатимизда адолатли суд ҳокимиятини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ушбу қонуннинг Конституция даражасида белгиланиши инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янги босқичга олиб чиқади. Чунки бугун суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фуқароларнинг жазоловчи эмас, балки уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилувчи ва ҳимояловчи, поймол қилинган ҳуқуқларини тикловчи ташкилотларга айланиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, янгилаётган Конституцияда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади этиб белги-ланмоқда. Шу мақсадда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баробардан кўпроққа оширилмоқда. Хусусан, давлат органлари фуқаро манфаатларини кўзлаши, қонунчиликда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига ўз розилигисиз юклатилиши мумкин эмаслиги, айбисиз инсонлар жазога тортилиши мумкин эмаслиги, етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши, ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал этилиши каби бир қатор меъёрлар ҳуқуқий давлатда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Гулрухбегим ОДАШБОВА
«ISHONCH»

“**Кўпинча бирор шахснинг дабдурустдан қўлга олингани ҳақидаги гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Энг ёмони, аксарият ҳолларда бунинг сабаблари ҳеч кимга тушунтирилмайди. Шу боис аҳоли орасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидан норозилик ҳолатлари учраб туради. Ўз ҳуқуқларини яхши билмаган одамлар ҳибсга олинганда ёки тергов жараёнида таҳлилкага тушиб қолишади.**”

Қонун лойиҳасида белгилаётган «Хабеас корпус» институти шахсий эркинлик дахлсизлигини кафолатлаб, тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилган. Бу қоида шахс эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суднинг қарори асосида амалга оширилиши шартлиги талабидир.

Бу янги норма суд-тергов жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб туриш, шахснинг асоссиз



Тошкент
шаҳри

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан жойларда «Конституция меники, сеники, бизники, Конституция ўзимизники!» шiori остида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Тадбир

Келажак ҳақида суҳбатлар


Навбатдаги тадбирлар Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани биринчи сектор ҳудудида, жумладан, Шукр Бурҳонов номли МФЙда ҳам бўлиб ўтди.

Учрашувда шу маҳалла аҳли ҳамда 208-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси иштирок этди.

Тадбирда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Абдулла Нугманов қабул қилинаётган янги Конституциянинг аҳамиятига кенг тўхталди. Қомусимизга киритилаётган янги ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»





«БИЗНИКИ! КОНСТИТУЦИЯ ЎЗИМИЗНИКИ!»



Навоий вилояти

Дахлдорлик

Кўпчилигимизнинг беўхшов бир одатимиз бор: қачонки, эркинлигимиз, ҳақ-ҳуқуқларимиз, орзу-ҳавасларимиз поймол қилинса, ерда ётган хасдан ҳам нажот кутамиз. Турли ҳуқуқий идоралар масъулларининг, ҳақгўй ва одил инсонларнинг бевосита аралашуви билан узр-маъзур қилинган, кўнглимиз салгина кўтарилиб, тинчланган тақдирда ҳам қониқиш ҳосил қилмаймиз. Токи ниятимизга етмагунча юрагимиздаги алам, қаҳр-ғазаб ҳовури босилмайди. Халқимизни бундай ночор ва тушкун кайфиятга тушиб қолишига аслида инсон ҳақ-ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати дахлдор қонунларга қатъий риоя қилинмаётгани, адолат истаб ёзилган сон-саноксиз шикоятларга хом-хатала жавоблар жўнатилаётгани, ёлғон ва қонунларимизда йўқ маълумотлар, таъна-дашномлар урчиб кетгани сабаб бўлди.



Мен адолат учун овоз бераман

Конституция эркимиз, эътиқодимиз, ҳақ-ҳуқуқларимиз ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир

Хайриятки, келгусида бу янглиғ қора кунлар ортада қоладиганга ўхшайди. 65 фоизи ўзгарган янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида бундай иллатларга бутунлай чек қўйилиши белгилангани шу юртнинг эркин фуқаролари сифатида ҳаммамизни бирдек қувонтириши табиий. Янги таҳрирдаги Бош қомусимиз лойиҳаси икки босқичда тайёрлангани, уни шакллантириш жараёнида хориж тажрибаси атрофлича ўргангани, фуқароларимиздан келиб тушган 220 мингдан ортиқ турли-туман таклифларнинг ҳар тўрттасидан биттаси инобатга олингани бу ҳужжат адолат тамойилларини ҳамда қонун устуворлигини таъминловчи ягона сиёсий куч, маёқ бўлиб шаклланишининг кафолатидир. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, шу ой охирида ўтказилажак умумхалқ референдумида янги Конституциямиз фуқароларимиз томонидан яқдиллик билан тўлиқ қўллаб-қувватланишига ишончимиз комил. Негаки, унда адолатга, инсонийлик ва ижтимоий ҳимояга, жамиятда қонун устуворлигини таъминловчи тамойилларга, халқимизнинг келгусида янада эмин-эркин ва фаровон яшашини кафолатловчи янги қарашларга, мулк ва шахс дахлсизлигига кенг ўрин берилган. Умумий моддалари сони 128 тадан 155 тага, нормалари 275 тадан 434 тага кўпайгани турмушимизга қўтилмаган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, моддий тўхталар кириб келишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Янги таҳрирдаги Қомусимизнинг кишини қувонтирадиган яна бир жиҳати шундаки, билиб-билмасдан қилган жиноятлари тўғрисида судланган ота-оналарнинг қилмишини фарзандларининг, яқин қариндошларининг ҳаётига салбий таъсир кўрсатмайди, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари чекланишига олиб келмайди (28-модда). Демак, энди «Отаси қамалганнинг оти бошқа, онаси қамалганнинг зоти бошқа», деган таъна-дашномлар тарихда қолади. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 1-моддасидаёқ Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида қайта юз очини алоҳида таъкидланган. Агар умумхалқ референдуми натижалари биз истагандек бўлса, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч бараварга ортади. Тинч ва фаровон яшашимизнинг мустаҳкам кафолатлари янада кенгайди.

Аслида янгилаш, ўзгариш, ривожланиш ҳеч қачон ва ҳеч бир даврда осон кечмаган. Айниқса, у давлат миқёсидаги катта ва муҳим сиёсий жараёнга боғлиқ бўлса, масъулият, бурч ва жавобгарлик, халқаро майдондаги обрў-эътиборни сақлаб қолиш ҳисси икки-уч баробарга ошади. Ҳар қандай янгиликни фуқаролар онг-шуурига сингдириш, унинг тўб моҳиятини тушунтириш кўп меҳнат ва заҳмат талаб қилади. Бас, шундай экан, айни кезларда мамлакатимиз ва меҳнаткаш халқимиз улкан синов қаршида турибди. Аминимизки, биз бу синовдан муваффақиятли ўтамиз. Айни чоғда, мен фурсатдан фойдаланиб, халқимизни шу йил 30 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича ўтказиладиган умумхалқ референдумида фаол қатнашишга чақираман.

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»



Бухоро вилояти

Давра суҳбати

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерация Бухоро вилояти кенгашида ташкил этилган давра суҳбатида янгилаётган Конституция ҳамда ундаги ўзгаришлар хусусида муфассал маълумот берилди.

Халқ таклифлари асосида ўзгараётган Қомус



Тармоқ масъул ташкилотчилари, бирлашган кўмиталар, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар раислари, масъул ходимлари иштирок этган тадбирни кенгаш раиси Муҳаммадқосим Олимов олиб борди. Таъкидланганидек, амалдаги Конституциямизга шу кунгача 15 марта ўзгариш ва қўшимчалар киритилган. Уларнинг асосий қисми давлат бошқаруви, Президент, ҳукумат ва сайлов тизими билан боғлиқ ўзгаришлар эди. Эндиги Конституция ўзгаришида 50 фойздан ортиқ ўзгаришлар инсон ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ. – Муҳими шуки, – деди кенгаш раиси М. Олимов ўз нутқида. – Одатда қандайдир қонун лойиҳаларини давлат органлари ишлаб чиқар, кейин муҳокамага қўйилар эди. Бу сафар биринчи марта аввал фуқаролар таклифи олиниб, кейин қонун лойиҳаси шакллантирилди. Муҳокамадан кейинги таклифлар асосида яна қайта таҳрир қилинди. Шунинг натижаси ўлароқ айнан фуқароларни қийнаётган кўплаб ма-

салалар ўз аксини топди. Фуқаролар томонидан ҳуқуқий асосли аниқ таклиф қилиб берилмаган ғоялар ҳам мутахассислар томонидан такомиллаштирилиб киритилди. Конституция 65 фоизга ўзгармоқда. Тадбирда иштирокчилар қизиқарли саволлар, муҳим фактлар асосида ўзига хос тарзда конституцион ўзгаришлардан хабардор қилинди. Референдум аслида нима, унинг сайловдан қандай фарқлари бор, қайси ҳолатларда референдум ўтказишга эҳтиёж туғилади, Марказий сайлов комиссияси ва округ ҳамда участка комиссиялари қандай вазифаларни бажаради каби тезкор саволларга зукко иштирокчилар жавоб қайтардилар. Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар тегишли соҳалар, хусусан, таълим, меҳнат муҳофазаси, тиббиёт, суд-ҳуқуқ тизими каби соҳалар кесимида таҳлил қилинди.

Мурод АРСЛОНОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси Бухоро вилоят кенгаши
меҳнат ҳуқуқ инспектори



Улуғ санъаткор Комилжон Отаниёзов ҳақида кўп мақолалар ва китоблар битилган. Мен уларни зўр иштиёқ билан ўқийман. Айни чоғда, аксарияти бирёқлама ёзилганидан афсусланаман. Энг ажабланишли, айрим муаллифлар Комилжон Отаниёзов бир ёқда қолиб, негадир ўзларини мақташга ва улуғлашга интиладилар. Болалигимда отам менга бу улуғ инсон ҳақида кўп яхши гапларни айтиб берганди. Бир сафар у кишини тушида кўриб, совға сифатида рубоб олганини айтганди. Зеро, раҳматли падари бузрукворим торни яхши чалар, қўшиқларни маромига етказиб айтарди. Ёшлиғида Комилжон отаниёвга бориб, «Се-гоҳ»ни куйлаб берган экан, у киши ансамбли сафига қўшиб, Тошкентга олиб кетмоқчи бўлибди. Бироқ ҳудожўй бобомиз қаттиқ қаршилик кўрса-тиб, «Сиз катта оҳуннинг фарзандисиз. Ҳою ҳавасни катта идрок билан енгинингиз мумкин. Менинг болам эса оддий одамнинг зурриёти. У санъатнинг нонини кўтаролмайди, енгил-елпи ҳаётга берилиб кетади, деб қўрқаман», дебди.

«ХАЛҚ ҚАЕРДА БЎЛСА, МЕНИНГ ЎРНИМ ҲАМ ЎША ЕРДА!»

Бетакрор истеъдод ва буюк қалб соҳиби Комилжон Отаниёзовнинг ҳаёт фалсафаси шундай эди

Бу эътирозга жавобан Комилжон Отаниёзов «Ота, гапингиз тўғри. Лекин ўғлингизда истеъдод бор, у йўқолиб кетмаслиги керак... Ҳеч бўлмаса, мактабда ўқитувчилик қилиб, ёшларга мусиқани ўргатсин», дебди ва Хоразм давлат педагогика институтини ректорини номига хат ёзиб берибди. Ана шу бир парча хат шарофатиданми ёки омади юршибими, отам олий ўқув юртига ўқишга киради. Уни муваффақиятли тамомлағач, қишлоғимиз мактабда узок йиллар самарали меҳнат қилади.

Комилжон Отаниёзовнинг Ҳиммати туфайли ҳаётда ўз ўрнини топганлардан яна бири – Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, таниқли мусавир Бахтиёр Рўзиматов шундай ҳикоя қилганди:

– Янглишмасам, 1949-50 йилларнинг кўклами арафаси эди, ҳали ердан нам аримагади. Мен 4-синфда ўқирдим. Отам вафот этиб, оилавий аҳволимиз қийинлашгани сабабли мактабга ялангоёқ қатнардим... Ўша пайтлар бу унчалик айб саналмасди. Чунки кўпчилик ноҳор ҳаёт кечирарди. Бир куни мактабдан қайтаётим, қайсидир ҳамқишлоғимизнинг тўйига Комилжон Отаниёзов келганини эшитиб қолдим, ўша томонга югурдим. Кун пешиндан эндигина оғанди. Одамлар ҳовлининг боғ тарафига тўшалган сомон устига ўтириб, катта давра ясашибди. Комилжон ака жарангдор овозда қалбларга ҳаяжон солиб, қўшиқ куйларди. Мен ҳам бора солиб, сомон устига чўкаладим.

Бир маҳал кўнглимда санъаткорнинг расмини чизиб истиги пайдо бўлди. Тўрвадан 12 варақлик чақмоққа дафтаримни чиқардим-да, ишга киришдим. Комилжон акага синчилик назар солгандим, юзида холи бордек туюлди, лекин аниқ илғай олмадим. У қўшиқ куйлаганча ёнимдан тез ўтиб кетди.

Дарвоқе, у пайтлар санъаткорлар давра айлиниб, жонли овозда қўшиқ айтишарди. Кўзимни Комилжон акадан узмай, яна чизиб билан машғул бўлдим. У иккинчи бор рўпарамга келганида тиззамдаги дафтарга қараётганини сезиб қолдим. Учинчи ва тўртинчи айланшда олди-матда анча вақт туриб куйлади, мен эса унинг суратини ўшатиб чизишга уриндим. Қарабсизки, дафтаримнинг ҳамма варақлари расмга тўлиб кетди.

Тўй кечкурун тугади. Мен эндигина уйга кетишга чоғлангандим, кутилмаганда маҳалла катхудоси тирсагимдан маҳкам ушлади. Сўнгра мени санъаткорлар ўтир-

ган хонага олиб кирди. Лампачиқроқлар базўр ёритаётган хона тўрида Комилжон Отаниёзов ўтирган экан. Ичкарига қадам қўйганим ҳамона мени ёнига қақриб, «Қани, чизган суратларингни бир кўрсат-чи!» деди. Мен уялганимдан ерга қараб туравердим. «Нега хижолат тортасан? Қани, дафтарингни бир кўрайлик!» деди яна ҳофиз.

Нуфузли меҳмонларга хизмат қилавериш, ўрганиб қолган оқсоқол дарҳол тўрвамини елкамдан олиб, китоб-дафтарларимни ювлаттирди. Улар орасидан варақлари санъаткорнинг расмлари билан тўлган дафтарни топиб, Комилжон акага узатди. Ҳофиз дафтарни эринмай бирма-бир варақлаб чиқаркан, охирида чизилган расмга узок тикилиб қолди. Кейин исминини сўради, мен айтдим. «Отанг ким бўлиб ишлайди?» деганида эса, бошимни эгиб индамай туравердим. Менинг ўрнимга оқсоқол жавоб берди: «Аллоҳ раҳмат қилсин, отаси ўтиб кетган...».

Комилжон ака энсамни аста силади ва иягимдан ушлаб, бошимни кўтарди. Сўнгра «Худо хоҳласа, сен катта рассом бўласан» деди-да, олдида турган катта рўмолдаги бир уюм пулни қўлидаги дафтарим билан иккига ажратди. «Манави пуллар сенга! Қалам-дафтар оларсан, хўпми?» деди менга табассум билан. Ёнидаги созандаларга ишора қилди, шекилли, бир йигит шоша-пиша пулларни тўрвамга сола бошлади. Мен қизариб-бўзариб кўчага чиқдим, «Онажон!» деганча уйга шовилдим.

Ўшанда меҳридарё ҳофиз берган пулга бошдан-оёқ кийим-кечак, янги мактаб тўрваси, қизиқарли китоблар, дафтар ва қаламлар харид қилдим. Органга онам бозордан жўхори сотиб олди...

Комилжон Отаниёзов сиймосини чизибдан бошланган рассомчилик соҳасидаги изланишларим бора-бора профессионал даражага етди. Мойбўёқлар воситасида уч юздан ортққ асар яратдим. Уларнинг аксарияти нуфузли музейлар ва галерияларни беэза турибди, айримларини чет элликлар сотиб олишган.

Қисқаса, қалби дарё санъаткорнинг қўллаб-қувватлаши ҳаётимда мислсиз янгилашлар рўй беришига туртки берди. Бундай инсонлар ҳаммиша эл хотирасида яшайди.

Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова бир суҳбатимиз чоғи Комилжон Отаниёзов билан боғлиқ хотираларини эсга олганди:

– 1948 йили Хоразмга Ўзбекистон Олий Кенгаши

раиси Ниёзов ташриф буюрди. У кишининг таклифига биноан, Комилжон Отаниёзов дастаси темирйўл қурувчиларга концерт қўйиб бериш учун Қизилқум чўлига равона бўлди.

Ёз фасли эди. Об-ҳаво баъзан 45 даражага кўтарилар, гармсел тобора қуларди. Бир куни кучли гармсел туфайли ишчилар учун овқат пиширилаётган қозонлар кумга тўлиб қолди. Тўқиб ташлаб, бошқатдан пиширай десалар, масалликлар тугаган, устига-устак, сув ҳам жуда кам қолган экан. Ноилоҳликдан ўша ошни дастурхонга тортдилар. Умрида қум аралашган таом емаган нозанин қизлар овқатлашидан ваз кечиб, ўзларига ажратилган чайлага кириб кетишди. Шаҳардаги тўқин-сочинликни кўмсаб, гурунглашиб ўтирганимизда қаршимизда бироз асабийлашган Комилжон оға пайдо бўлди.

– Қани, оқбилак оймилталлар, тушликка юринглар! – деди қошларини чимириб.

– Қум аралашган овқатни емаймиз, – дейишди қизлар бараварига.

– Ишчилар ҳам одам-ку, ахир! Барчасининг оиласи, бола-чақалари бор. Улар одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилайлик деб, оиласини ташлаб келишган. Эндиликда дашт қийинчиликларига чидаб, меҳнат қилишяпти. Қолаверса, бу ерда одамлар тоифаларга ажратилмайди. Мен артистман, анави ишчи деган гап бўлиши асло мумкин эмас, – деди ҳофиз жаҳли чиқиб.

Устоз гапини тугатар-тугатмас, ҳаммамиз ўрнимиздан ирғиб турдик. Ташқарига чиққан, қум устига ўтириб олиб, ишчилар билан бирга тушлик қилдик. Олифаларча кийинган раҳбарлардан бири «Сизнинг ўрнингиз бу ерда эмас, яхшиси, анови чайлага юринг», деган эди, Комилжон оға «Халқ қаерда бўлса, менинг ўрним ҳам ўша ерда!» деганча, олдида қўйилган таомни тановул қила бошлади. Ҳалиги раҳбар ҳам қизариб-бўзариб, унинг ёнига келиб ўтирди.

Мен Комилжон Отаниёзов ҳақида бундай ҳикояларни кўп эшитганман. Ҳар сафар у кишининг Ҳиммати, иймон-диёнати, камтарлигига тан берганман. Биз ана шундай улуғ инсонлардан ҳар қанча ибрат олсак арзийди.

Эрнўлат БАХТ



Хандалар

ХОТИН ВА ТЕЛЕФОН

– Менинг хотиним уяли телефонга ўхшайди?
– Нера?
– Пулим тугаши билан мен билан гаплашмай қўяди.

ИМТИҲОН

Ўқитувчи талабадан сўрайди:
– Қани айтинг-чи, «имтиҳон» нима дегани?
– Иккита ақли одамнинг ўзаро суҳбати, домлажон.
– Ҳўш, улардан бири ақлсиз бўлса-чи?
– Унда иккинчиси стипендиясиз қолади, домлажон!

НЬУТОННИНГ ТАНИШИ

– Ўғлингиз институтга кирдими?
– Йўқ, физикадан йиқилди. Ўқитувчи: «Ньютон билан умуман таниш эмасиз», дебди. Кўрдингизми, танишсиз ўқишга ҳам кириб бўлмас экан.

ШЕРИГИНГИЗ ЭШИКНИ ЁПСИН

Кубалик жаҳон чемпиони Капабланка меҳмонхонага ярим тунда қайтади.
– Ким у? – деб сўрайди эшик оғаси уйқузираб эшикни очаркан.
– Мен жаҳон чемпиони Хосе Раул Капабланка Траусперман.
– Яхши кининглар, – дейди эшикни очиб оғасига қайтган эшикгоғаси тўнғиллаб, – фақат охириги шеригингиз эшикни маҳкамроқ ёпиб қўйсин.

ГЎДАК БИЛМАГАНДА...

– Жан, қандай бўлдики, сизнинг фарзандингиз тўйингиз арафасида тугилди.
– Гўдак бечора Луиза билан тўйимиз қачон бўлишини билмаган-да.


ОДАМ ТОПИЛМАПТИМИ?

Бир одам тўй қилибди-ю, қозикалонни тўйга айтиш учун Мушфиқини юборибди.
– Тўйга айтгани бирорта ҳам одам топилмаптими, сенга ухшаган ашқани юборибди, – дебди қозикалон унга.
– Таксир, одамлар одамларни тўйга айтгани кетди, сизни айтишга мени юборишди-да...

Тўлқин ҚОЗОҚБОВ тўплади.

Ойқортоққа бағирдош ҳовлилардан бирининг саҳнини қопларган тут дарахти бор. Унинг неча ёшда эканини ҳеч ким билмайди.

Хонадон соҳиби Жуман бобо уни чандон эъозлайди. Ахир қадрдон-да у. Қанча яхши кунларига гувоҳ. Тўю томошасини, маъракаларини шу тутнинг остида ўтказди. Болаларига келин туширишда тутнинг бебаҳо дастёр эканини тушунади, иссиқлаб кетганларнинг унинг соясига ором олишади. Мевалари пишганда бутун қишлоқнинг боласи шунинг остида...



Абужур тут табассуми

– Тут барги тушганча ҳосил бераверади.
У онасининг гапларини такрорлаётганди. Кучоқлаб олай дейдию, ўғлидан уялади.
Яхши гапларни эшитган тут дарахти янада яшнагандай бўлиб кетади, ҳосили янада кўпаяди. Бобо уни удалолмай, маърака қилиб тарқатади, шинни, тут талқони, тут майизи қилади. Шохларига қўнган кушлар бирам сайрайдики... Қизларни, неваралари, қишлоқнинг болаларини тонг сахарда келиб кеч тушганда кета -

Табиат ва инсон

унга совға қилган қўл машинасида белбоғ тикиб, хиргойи қилиб ўтирибди. Кўшиқ ҳовлидаги тут ҳақида эди... Гўёки, у бўлмаса, тоғликлар бўлмайди. Илдизлари бақувватлиги, шохларининг бир-бирларига ёпишиб туриши уларга илҳом беради, чарчоғини ёзади.
Шунда бобонинг кўзига ҳовлиси, дарахт бошқача кўриниб кетди. Болаларининг бариси дуркун ўсгани, ҳаётнинг ўз ўрнини топаётганига шу дарахт сабабидек туюлди.

Кампирига билдирмай яна ҳовлига чиқди... Тутта астойдил қаради, гўё жонлангандай. Тутнинг танасидаги ҳар бир бужурда қанчадан-қанча гапларнинг нишаларни ўйлаган бўлса?! Келагини ўйлаб, руҳи осмонга чиққанон. «Ўсиб-ун, меҳрсиз бўлма, мевангни, саратонда соянгини аяма...». Бу гаплар тилидан, балки дилидан чиққан! Нима бўлганда ҳам, тўқ одамларининг тили билан дили бир бўлади.

Чол тутга янада зийракроқ қаради. У қариянинг ҳолини кузатиб, табассум қилаётганга ўхшарди...
Пардабой ТОЖИБОВ

Эълонлар

«SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси роқимча-боқич ошиш тартибда ўтказиладиган савдога Кумқўрғон тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимига тегишли бўлган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, 75 732 САА давлат рақамли, «ДАМАС» рўсумли, техник таъмирталаб ҳолдаги машина кўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси – 3 449 000 сўм.
Савдолар 2023 йил 10 апрель кунини соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ислол Каримов кўчаси, 162-уй, 1-хонадонда бўлиб ўтади.
Ўқоридаги мулкни 2023 йил 10 апрель кунги аукцион савдога сотилмаган тақдирда ёки савдо ғолиби белгиланган муддатда шартнома имзолангандан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажарилмаса, такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафта, пайшанба кунини соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.
Автотранспорт воситаси билан Кумқўрғон тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдосига қатнашиш учун

Ташкент вилояти, Ташкент тумани, «Масалбой» ҚФЙ, Хивбон кўчасида жойлашган, 09.01.2018 йилда №562943 рақам билан рўйхатдан ўтган (СТИР: 305205594) «ABDUNUR AGRO» фермер хўжалиги тугатилган маълум қилинади.
Этирозлар (94) 492-99-99 телефон рақами орқали қабул қилинади.
Ташкент вилояти, Зангиота тумани, «Масалбой» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 22.06.2016 йилда реестр №59228 рақам билан рўйхатдан ўтган (СТИР: 305205594) «ABDUG'OFUROV ABDUQUYUM AGRO» фермер хўжалиги тугатилган маълум қилинади.
Этирозлар (94) 492-99-99 телефон рақами орқали қабул қилинади.
Ташкент вилояти, Зангиота тумани, «Масалбой» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 19.01.2011 йилда реестр №1713 рақам билан рўйхатдан ўтган (СТИР: 206372525) «G'OFUR-SARDOR BARAKA» фермер хўжалиги тугатилган маълум қилинади.
Этирозлар (94) 492-99-99 телефон рақами орқали қабул қилинади.
Ташкент вилояти, Зангиота тумани, «Масалбой» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 01.07.2016 йилда реестр №6386 рақам билан рўйхатдан ўтган (СТИР: 304110549) «ABDUG'OFUROV ABDUJAMIL FAZL» фермер хўжалиги тугатилган маълум қилинади.
Этирозлар (94) 492-99-99 телефон рақами орқали қабул қилинади.
Ташкент вилояти, Зангиота тумани, «Масалбой» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 01.07.2016 йилда реестр №6386 рақам билан рўйхатдан ўтган (СТИР: 304110571) «BO'RBOYEV ABDURASUL AGRO» фермер хўжалиги тугатилган маълум қилинади.
Этирозлар (94) 492-99-99 телефон рақами орқали қабул қилинади.

МУАССИС:

Ўзбекистон қасба уйushмалари Федератсияси
ISSN 2010-5002
2007-йил 11-январда Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENKAY (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangon viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Abdurahmonov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 21:20
Topshirildi – 21:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning shanbana, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taqob.
Buyurtma 195
Nashr ko'rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 31278
16773 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzili:
Samarqand shahri,
Spatimen ko'chasi, 270-uy.